

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТДАН ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА

Н.М.Охунова

Фарғона давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7238374>

**Аннотация.** Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг педагогика, психология, ҳамда методика соҳаларида тадқиқ этилиши ва мазкур соҳаларда олиб борилган изланишларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** халқ оғзаки ижоди, миллий қадриятлар, эстетика, таълим-тарбия, урф-одат.

## ОБ ИССЛЕДОВАНИИ НАРОДНОГО УСТНОГО ТВОРЧЕСТВА С ПЕДАГОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются исследования фольклора в областях педагогики, психологии и методологии, а также специфические аспекты исследований, проводимых в этих областях.

**Ключевые слова:** фольклор, национальные ценности, эстетика, воспитание, традиция.

## ON THE RESEARCH OF FOLK'S ORAL CREATION FROM THE PEDAGOGICAL ASPECT

**Abstract.** This article talks about the research of folklore in the fields of pedagogy, psychology, and methodology, as well as the specific aspects of the research conducted in these fields.

**Key words:** folklore, national values, aesthetics, education, tradition.

### КИРИШ

Эрамиздан аввалги VI асрда яшаб, ижод қилган Аристотел тараққий этган жамиятга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У болаларга таълим-тарбия беришнинг аниқ бир тизими бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Шунингдек, ҳар доим таълим билан тарбиянинг бир эканлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор берган ва уни ўз асарларида кенг қўламда ёритган. Бола тарбияси таълим билан бирга олиб борилиши қадимдан қўлланган ва бу ўз самарасини ҳозиргача кўрсатиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат бола мактабга келар экан ўқитувчи ўқитиш билан бирга дарсликда кўрсатилган топшириқлар орқали болага бевосита тарбиявий жиҳатларини ҳам амалда тадбиқ этиб кетиши керак бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларини қандай ўқитиш ҳақида буюк педагогларнинг ҳам фикрларига таяниб иш кўрсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарҳақиқат, болаларни ўқитишга ва бу орқали халқ оғзаки ижодини ўргатишга бўлган эътибор қадимдан муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ҳам кўришимиз мумкин. Айнан фольклор материалларини ўқитишнинг педагогик-психологик ва методик томондан ўрганилишига доир ишларни ўрганиб чиққанимизда олимларимиз томонидан фольклор материалларини таҳлилларини кўришимиз мумкин. Жумладан: “Халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари” номли номзодлик диссертациясида тадқиқотчи томонидан мавзуга оид илмий-педагогик ва халқ оғзаки ижоди асарлари ҳамда муаммонинг

амалиётдаги ҳолатини ўрганиш, халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий кадриятларни шакллантириш тамойилларининг назарий-амалий асосларини аниқланган ва халқ оғзаки ижоди асарлари воситасида ўқувчиларда миллий кадриятларни шакллантириш имкониятлари ҳам аниқланган. 5-7-синф адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий кадриятлар, урф-одат ва анъаналар руҳида тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналарининг муҳим тарбиявий-дидактик восита эканлигини асосланган. Умумий ўрта таълим мактабларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқитишнинг назарий, педагогик, методик жиҳатларини тавсифлаш ҳамда унинг ишланганлик даражаси аниқланган. Адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди асарларини интерфаол усуллар асосида ўқитиш тамойилларини белгилаб, ўқувчиларда миллий кадриятлар билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди асарларини таҳлил қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш, халқ оғзаки ижоди асарларини таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларда миллий кадриятларни шакллантириш жараёнининг самарадорлик даражасини кўрсатиб берган.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

“Халқ оғзаки ижоди ижтимоий-фалсафий ва эстетик ғоялар манбаи сифатида” номли номзодлик диссертациясида халқ эстетикасининг асосий манбаларини аниқлаш, уларнинг халқ эстетикаси шаклланишидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган. Ўзбек халқ эстетикасининг жаҳон эстетик маданияти ривожланишидаги ўрнини кўрсатиш, ўзбек халқ эстетикасининг миллий хусусиятлари ва умуминсоний қийматларини очиш, халқ эстетикасининг шаклланиши халқ турмуши билан узвий боғлиқлиги, уни акс эттиришни исботлаш, халқимиз маънавий маданияти тизимида халқ эстетикасининг ўрни ва аҳамиятини аниқлашга эътибор қаратилган. Халқ эстетикасининг экологик мазмунини очиш, унинг табиат предметлари - сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликларга, қушлар, ҳайвонлар оламига эҳтиёткорлик, меҳрибонлик, ғамхурлик билан муносабатда бўлишга ўргатиш воситаси эканлигини кўрсатилган. Тадқиқотчи томонидан Республикамиз фуқароларини миллий мустақиллик, фахр, ғурур руҳида тарбиялашда халқ эстетикасининг имкониятларини ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш усуллари, шакллари ва йуллари тадқиқ қилинган.

Н.Воҳидованинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш” номли номзодлик диссертациясида халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш мезонларини ишлаб чиқиш, халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг самарали методларига аҳамият берилган, шунингдек, халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг моделини яратиш кўзда тутилган, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга йўналтирилган методиканинг самарадорлик натижасини аниқлаш ва миллий ғурурни тарбиялашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ВА МУҲОКАМА**

Навбатдаги илмий тадқиқот ишида халқ топишмоқлари орқали экологик тарбия беришнинг педагогик муаммо эканлиги асосланган. Мавзуга оид илмий педагогик манбалар таҳлил қилинган. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг мавжуд аҳволи аниқланган. Болаларни халқ топишмоқларига жавоб топишга тайёрлашнинг энг самарали йуллари, восита ва усуллари ишлаб чиқилган. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия беришда халқ

топишмоқларидан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган.

“Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси” номли номзодлик диссертацияси фалсафий, педагогик ва психологик адабиётларда бошланғич синф ўқувчиларининг адабий тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари таҳлил қилинган. Ўқувчиларнинг адабий тушунчаларига доир билим, кўникма, малака ва компетенцияларини синфлар кесимида шакллантириш босқичлари аниқланган. Бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш механизми эса такомиллаштирилган. Ўқувчиларни тинглаб матнни тушуниш ва англаш даражаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазкур диссертацияда халқ оғзаки ижодини ўқитиш орқали адабий тушунчаларни шакллантириш кўзда тутилган.

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, халқ оғзаки ижодини педагогик-психологик ҳамда методик томонларини таҳлил этиш ва уларнинг умумий жиҳатларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

## REFERENCES

1. Холбоева.Г., Халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари. Пед.фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент.2009
2. Хасанов.У., Халқ оғзаки ижоди ижтимоий-фалсафий ва эстетик ғоялар манбаи сифатида. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент.1996
3. Воҳидова.Н., Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент.2011
4. Комилова.Г.,Мақтабгача ёшдаги (5—6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Бухоро.2005
5. Маматова.Г.,Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент.2020